



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№4/1

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ин ститутути

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба

чоп этилади.

Ўзбекистон худудида

тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,

Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институту ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Обид Мамаюнусович Пардаев XXI асрда шаклланган янги иқтисодиётлар таркибида креатив иқтисодиётнинг принциплари турларининг назарий масалалари	5
Lola Nazarovna Khalikova, Shamsiddin Kiyamiddinovich Yuldashev Theoretical views of social protection	10
Ибодулла Ҳасанович Ибрагимов, Лариса Алижоновна Мусабаева Касбий компетенцияларнинг синергетик самарадорлиги	13
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Бехруз Шарофиддин ўғли Усмонов Инновацион ёндашувлар орқали инсон ресурсларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари	17
Меҳрангиз Олимовна Мамаюнусова Инновацион иқтисодиёт шароитида камбағалликни қисқартиришнинг “4ГС моделли”нинг моҳияти ва қўлланилиши	22
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Хайрулла Qilichovich Qarshiboyev Korrelyatsiya va regressiya tahlilini korxonaning iqtisodiy rivojlanishini bashorat qilish usuli	27
Shahnoza Abdirashitovna Po‘latova Oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarida yashil sertifikatlash va ekologik markirovkalash amaliyotini joriy etishning asosiy yo‘nalishlari	32
Gulzira Ikromali qizi Karimova To‘qimachilik sanoati korxonalarining iqtisodiy salohiyatini “yashillashtirish” orqali oshirish	37
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Мурод Мухаммедович Мухаммедов, Зарина Муродовна Мухаммедова, Аллаёр Баротович Шакаров Хизматлар соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш – давлат макроиқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида	43
Marifat Umarovna Xudoyberdiyeva Savdo xizmatlarining ahamiyati va rivojlanishi	49
Nodirjon Begaliyevich Ravshanov Ta‘lim xizmatlari bozorida oliy ta‘lim muassasalari raqobatbardoshligini ta‘minlash	52
Dildora Haydarjon qizi Shaymardonova Qishloq joylarda avtoservis xizmatlari ko‘rsatuvchi subyektlar samaradorligini oshirish	57
Бехзод Абдумаджитович Суюнов Турар-жой кўчмас мулк бозорида баҳолаш хизматлари самарадорлигини ошириш	59
Akram Abduraxmonovich Azizqulov, Akbar Norboyevich Alimov Husayn Voiz Koshifiy ilmiy merosida ovqatlanish etiketining talqini	66
Faxriddin Azimovich Djalilov Xizmat ko‘rsatish sohasida innovatsion faoliyatni amalga oshirish omillari	69

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони. // <https://lex.uz/ru/docs/-6600413>.
3. Азларова М.М. Инсон ресурсларини бошқариш: ўқув қўлланма. – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: ИҚТИСОДИЁТ, 2019. -207 бет.
4. Хайитов А.Б.. “Инсон ресурсларини бошқариш”: Дарслик. –Т.:” 2019. 409-бет.
5. Тошалиева С.Т.. Инсон ресурсларини бошқаришнинг асосий моделлари. Journal of Universal science research. – 8 бет.
6. Pardaev , M. K. . and Pardaeva , O. M. . (2024) “Important Factors in the Formation of Human Capital and its Role in the Development of Society”, Miasto Przyszłości, 51, pp. 224–230. Available at: <http://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/4452> (Accessed: 26 September 2024).
7. Пардаев М.К., Бабаназарова С.А. Состояние развития образования и его сравнительный анализ на международном уровне // ТЖЕ-Tematics journal of Education ISSN. – 2021. – С. 2249-9822.
8. Норкулова Д.З., Усмонов Б.Ш. Инсон ресурсларига капитал киритиш. Research Innovation Multidisciplinary Sciences. 2021. – 258р. 4b.
9. Нарзикулов Н.Р., Муртазаев Б.Ч., Бакиева.И.А. “Инсон ресурслари иқтисодиёти” фани (Ўқув қўлланма). – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2005. 160б <https://www.agro.uz/xodimlar-bilan-ishlash-boshqarmasi/>

<p>М.Пардаев, Б.Усмонов</p> <p>Повышение эффективности и развитие человеческих ресурсов с помощью инновационных подходов</p>	<p>M.Pardaev, B.Usmonov</p> <p>Improving efficiency and developing human resources through innovative approaches</p>
<p>Аннотация: в статье рассматриваются эффективные методы развития человеческих ресурсов с применением современных технологий и методов. В ней обсуждаются инновационные подходы в управлении человеческими ресурсами, повышение квалификации сотрудников, а также пути усиления мотивации и продуктивности. Также освещается влияние новых рабочих методов и технологий на производительность.</p> <p>Ключевые слова: инновации, человеческие ресурсы, эффективность, развитие, технологии, новые подходы, обучение, менеджмент, лидерство, стратегия.</p>	<p>Abstract: The article examines effective methods of human resource development using modern technologies and methods. It discusses innovative approaches to human resource management, employee development, and ways to enhance motivation and productivity. It also highlights the impact of new work methods and technologies on productivity.</p> <p>Keywords: innovation, human resources, efficiency, development, technology, new approaches, training, management, leadership, strategy.</p>

Меҳрангиз Олимовна Мамаюнова – Алфраганис университети ассистенти

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ “4ГС МОДЕЛИ”НИНГ МОҲИЯТИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

<p>Аннотация. Мақолада инновацион иқтисодиёт шароитида камбағалликни қисқартиришнинг “4ГС модели”нинг моҳияти ва қўлланилиши қараб чиқилган. Унда мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган масъулиятли тўртта гуруҳнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари ва уларнинг ўз вазифасини амалга ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган.</p> <p>Калит сўзлар: инновация, инновацион иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш, камбағаллик, камбағаллик даражаси, аҳолининг бандлиги, фаровонлик, меҳнат бозори.</p>
--

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси 2024 йил 1 июль ҳолатига кўра 37,2 млн нафарни ташкил этади. Булардан 15 млн. 089 минг нафари (41%) иқтисодий фаол

яъни, меҳнат қилишга тайёр аҳоли ҳисобланади. Шундан, 14 млн 213 минг нафари (94 фоизи) иқтисодийнинг турли тармоқларида меҳнат қилмоқда. Буларнинг таркибий тузилишига эътиборни қаратиладиган бўлса, қуйидаги ҳолатни кўриш мумкин. Хусусан: “расмий секторда – 6,8 млн (48%); норасмий секторда – 5,5 млн (38,8%); хорижда ишлаётганлар – 1,9 млн (13,6%) кишини ташкил қилади. Бугунги кунда республика бўйича 876 минг нафар ишга жойлашишга муҳтож аҳоли мавжуд (йил бошида 1 024 минг нафар, - 148 минг). Меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси йил бошига нисбатан 1 фоиз пунктга ёки 6,8 фоиздан 5,8 фоизга камайди”. Кўриниб турибдики, меҳнат бозорида ҳал қилиниши лозим бўлган бир қанча масалалар бор. Буларнинг бир йўналиши хизмат кўрсатиш соҳаси бўлиб, унда ўзини ўзи банд қилиш имкониятлари кенглигидан келиб чиқиб, ушбу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан мазкур мавзу ўта долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида мантиқий таҳлил, илмий абстракция, тизимли ёндашув, индукция ва дедукция, макон ва замон мантиқий фикрлаш каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Жаҳон миқёсида иқтисодийда, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда мураккаб жараёнлар содир бўлмоқда. Бундай шароитда барқарор ривожланишни таъминлаш ва тинчликни сақлаб туриш ҳам жуда катта ташкилотчиликни талаб қилади. Бундай шароитда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўли ва унда эришилган натижаларини чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, кейинги йилларда анча муваффақиятлар қўлга киритилди. Хусусан, халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодий тармоқларини замон талабидан келиб чиққан ҳолда, трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантиришга эришилди. Шу билан бирга инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантириш масаласи ҳам амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Буларнинг барчасини амалга оширишда «Инсон қадрлари учун» тамойили асосида аниқ мақсадлар кўзда тутилган.

Меҳнат бозоридаги муаммоларни ҳал қилиниши орқали аҳолини иш билан банд қилишга ва мос равишда, шу йўл билан камбағал қатламини қисқартиришга ҳам муваффақ бўлинади. Бунинг учун аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари, ҳамда ёшлар етакчилари фаолияти самарали йўлга қўйилиши ҳақида ҳам мамлакатимиз раҳбари бир қанча бор таъкидлаб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида “Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди”¹, деган хулосани берди (1-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, камбағалликни қисқартириш учун бевосита 4 гуруҳ субъектлар шуғулланади. Булар қуйидагилардан иборат:

Биринчи гуруҳ, аҳолининг камбағал қатлами ҳисобланади. Чунки шу қатламга кирадиган аҳоли ўзи интилмаса, унга фақат бериб, маҳсулотлар ва маблағлар билан таъминлаб камбағалликдан чиқариб бўлмайди. Ҳар бир киши ўзи ҳаракат қилмоғи лозим. Ҳозирги пайтда бунинг учун мамлакатимизда катта имкониятлар яратилган. Ҳозир хоҳлаган киши, хоҳлаган касбида ўзини ўзи банд қилиш имкониятларига эга. Ундан фойдаланган ҳолда, камбағалликдан чиқиш йўллари қилиши мумкин. Бунинг кўмакчиси бор. Биринчи галда ҳозирда уларнинг ҳисоб-китобини маҳаллалар олиб боради. Бу эса, ўзаро мулоқот қилиб, бир-биридан фойдаланган ҳолда камбағалликдан чиқиш чораларини кўрадилар. Зарур бўлса кредит билан ҳам таъминлаб бормоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <http://lex.uz/ru/docs/3107036#3109146>



1-расм. Инновацион иқтисодиёт шароитида камбағалликни қисқартиришнинг “4ГС модели”нинг таркибий тузилиши

Иккинчи гуруҳга, бевосита маҳалла ва камбағаллик билан шуғулланувчи муассасалар киради. Бунга бевосита ушбу масала билан шуғулланадиган “Маҳалла еттилиги” ва “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги” ҳамда уларнинг худудий бўлинмалари киради. Бунда “Маҳалла еттилиги” муҳим роль ўйнайди. Уларнинг асосий мақсади аҳолининг фаровонлигини оширишга, тинч ва осойишталигини таъминлашга қаратилган. Бу вазифалар таркибида камбағалликдан чиқариш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган бир қанча фармон ва қарорлари қабул қилинди. Булар жумласига давлатимиз раҳбарининг «Аҳолини ҳунармандчиликка жалб қилиш ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 12 июндаги ПФ-91-сон Фармони ҳамда «Касаначиликни янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 23 февралдаги ПҚ-70-сон қарори, шунингдек, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш орқали ишсиз аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш билан бандлигига кўмаклашиш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йилнинг 22 июлида “Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 307-сонли қарори қабул қилинди.

Учинчи гуруҳга, таълим соҳаси ва иш берувчилар ҳамда касбга ўқитадиган Мономарказлар фаолиятини киритиш мумкин. Камбағалликни қисқартиришда болаларни ёшлигидан қизиқишларига қараб ўқитиш ва тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Болаларни хору-зор бўлмаслиги учун ўқиш лозимлигини, бир қанча касбларни ўрганиб қўйиш кераклигини тушуниб олишлари лозим. “Бир йигитга 40 ҳунар ҳам оз” деган мақолга амал

қилиб, кўникаб яшашга ўргатиш керак. Болаларни креатив фикрлашга, бир вақтнинг ўзида муаммонинг бир қанча ечимларини топиш йўлларини ҳам билиш, келажакда яшашда қийналмаслик омили эканлигини билиб улғайса, бундай аҳолидан камбағаллар чиқмайди. Биз ҳозир ўқишни битирамиз, ким ишга олади, деган савол билан эмас, балки ўқишни битиргач ўзим қандай фаолият билан шуғуллансам, ўзим бой, мамлакатим бой бўлади, деган тушунча билан яшашга ўргатишимиз лозим. Ҳозирги пайтда ўзимизда иш бўлмаса, хорижга кетаман, деган тушунча билан яшаётган ёшларимиз ҳам оз эмас. Бу тушунча масаланинг ечими эмас. Хорижга ишлашга бориш керак, фақат мардикорликка эмас, балки юқори малакали касбни эгаллаб, муносиб яшаш учун шароит яратиш ва мамлакатимизга бойлик ва хорижий тажрибаларни олиб келиб, уни ривожлантирадиган бўлиши лозим.

Тўртинчи гуруҳга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва бошқа давлат идораларини киритиш мумкин. Буларга кирувчи давлат ташкилотлари таркибига деярли барча вазирликлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳам киради. Ушбу ташкилотлар мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармон ва қарорларини ижросини таъминлаш бўйича ижрочи орган ҳисобланади. Президентимизнинг барча фармон ва қарорлари юқоридан қуйигача ижроси таъминланиш чораларини кўриш лозим. Айниқса, камбағалликни қисқартиришга қаратилган стратегик мақсадлар юқори ташкилотлардан маҳаллагача ва маҳаллада ҳам ҳар бир оилаларгача етказилиши лозим. Шундагина қабул қилинган фармон ва қарорларнинг ижроси таъминланади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, инновацион иқтисодиёт шароитида камбағалликни қисқартиришнинг имкониятларини топиш ва уларни амалга ошириш ўта долзарб масалалар сирасига киради. Чунки, ушбу масала “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган бўлиб, унинг бажарилиши камбағалликни қисқартириб, аҳоли фаровонлигини оширишга ва инсон кадрини улуглашга қаратилгандир. Булардан келиб чиқиб, бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилди. Буларга:

Биринчидан, мамлакатимизда шаклланаётган инновацион иқтисодиёт шароитида камбағалликни қисқартиришнинг “4ГС модели”ни амалиётга жорий қилиб, уларнинг ўзаро боғлиқликларини таъминлашга эришиш стратегиясини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, таълим ташкилотларида ўзини ўзи банд қилишга қаратилган фанларни ўқув дастурга киритиш ва уни ўқитиш жараёнида дуал таълим принциpidан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эълон қилинган қарор ва фармонларнинг ижросини таъминлашда юқори ташкилотлардан маҳаллагача ва маҳаллаларда ҳар бир оилаларгача етказиб бориш ва уларнинг ижросини таъминлаш чораларини ҳам тизимли равишда амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартда имзоланган “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сонли Фармони. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 27 март. – 1-2 бетлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-4653-сонли Қарори. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 27 март. – 1-2 бетлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январда имзолаган “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сонли қарори. // “Халқ сўзи” газетаси. 2022 йил 28 январь. – 1-2 бетлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 апрелда имзоланган “Касаначиликни ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-214-сонли қарори. // “Халқ сўзи” газетаси. 2022 йил 22 апрель. – 1-2 бетлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 июлда имзоланган “Хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-329-сонли қарори. // “Халқ сўзи” газетаси. 2022 йил 23 июль. – 1-2 бетлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <http://lex.uz/ru/docs/3107036#3109146>

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.

8. Абдурахмонов Х.Х., Арабов Н.У., Холмухамедов М.М. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифати. Ўқув қўлланма. Т.: “Тафаккур бўстони”. 2014. 242 б.

9. Қудратов Ф.Ҳ., Абдукаримов Б.А., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти, 2016. – 508 бет,

10. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2011. – 172 б.

11. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Очилов И.С. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2014. – 384 б.

12. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётининг айрим муаммолари. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 264 бет.

13. Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Илмий-услубий тавсия. Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 68

14. Ўринбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография. – Т.: “Фан” нашриёти, 2013. – 144 бет.

15. <http://www.dissercat.com>.

16. <http://pscgspace/cgiav/org>.

17. <http://setd/ohiolink/edv>.

<p>М.Мамаюнусова Сущность и применение «Модели 4GS» сокращения бедности в инновационной экономике</p>	<p>М.Mamayunusova Essence and application of the "4GS model" of poverty reduction in the innovative economy</p>
<p>Аннотация: в статье рассматривается сущность и применение «модели 4GS» сокращения бедности в условиях инновационной экономики. В ней также разработаны аспекты взаимозависимости четырех групп, ответственных за сокращение бедности в нашей стране, и научно-практические рекомендации по реализации их задач.</p> <p>Ключевые слова: инновации, инновационная экономика, предоставление услуг, бедность, уровень бедности, занятость населения, благосостояние, рынок труда.</p>	<p>Abstract: the article examines the essence and application of the "4GS model" of poverty reduction in the context of an innovative economy. It also develops aspects of the interdependence of the four groups responsible for poverty reduction in our country, and scientific and practical recommendations for the implementation of their tasks.</p> <p>Keywords: innovation, innovative economy, provision of services, poverty, poverty level, employment, welfare, labor market.</p>

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 05.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.